

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 23 июль  
Сотувда эркин нархда  
№ 146 (1927)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИ — ЁШЛАР КАМОЛИ

*Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида талаба-ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш — давр талаби мавзусида республика илмий-амалий семинар кенгаши бўлди. Унда мамлакатимиздаги университет ва институтлар, коллеж ва лицейлар, ўрта махсус ўқув юр்தларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.*

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида ва унинг бир гуруҳ тарихчилар билан суҳбатлари чоғида ўртага қўйилган қоида ва хулосалар асосида вазирлик тизими ходимлари олдида турган вази-фалар муҳокама этилди. Республика Бош вазирининг ўринбосари А.Азиз-хўжаев шу ҳақда маъруза қилди.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни, айниқса, ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор бераётгани анжуманда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, келажакимиз бўлиши ёш авлоднинг камоли кўп жиҳатдан мустақиллик мафкурасининг омма онгига нечоғли кенг сиғишига боғлиқдир. Таъкидланганидек, истиқ-вол мафкураси мамлакатимизнинг бутунги ҳаёти, ўмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғуралди-

ган, Ватан тақдирини ўз қисмати, деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқарashi ва тафаккурига асосланиши лозим. Замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бир қаторда, ҳар томонлама етук, Ватанига содиқ, фидойи, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва қўмак бериш республикадаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юр்தлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг бутунги кундаги энг муҳим вазифаси эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда миллий мафкура ва матбуот, ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялашда тарих фанининг ўрни каби мавзудардаги маърузалар ҳам тингиланди ҳамда бу борадаги ишларни янада жонлантириш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзА)

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ



Жиззах вилояти ғаллакорлари 223 минг 300 тонналик хирмон уйиб, дон топириш давлат буюртма-режасини бажардилар. Эришилган муваффақиятга Зафаробод, Дўстлик, Зомин, Ғаллаорол, Арнасой ва куйи кеча маррага етган Форш туманларининг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшилди.

Бу йилги мавсумда техника кучидан унумли фойдаланилганлиги туфайли су-

ғориладиган майдонлардаги ғалла 25 иш кунда ўриб-йиғиб олинди. Топширилган ҳосилнинг 80 фоизи "Кейс" комбайнларида ўрилди.

Кўпчилик хўжаликларда сугориладиган ерларда гектар бошига 36-40 центнердан, даламкор майдонларда эса 18 центнерга-ча ҳосил кўтаришга эришилди.

Вилоятда бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллакорлар ўрими-йиғимни уюшқоқлик билан давом эттириб, яна 10 минг тонна дон топиришга аҳд қилдилар.

Йўлчи Жўра,  
ЎзА мухбири.



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.** «Ўзфармасаноат» давлат ҳиссдорлик концерни қошидаги «Зилола» ишлаб чиқариш савдо-тижорат жамияти ишлаб чиқарётган махсус ларта тури йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Яқинда бу ерда ип-калага тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ва ана шундай йўл билан 70 нафар киши иш билан таъминланди.

Айни кунда ип-калага йиғирувчи цехида иш уч сменада ташиқ этилган. Йиғирувчилар бир йилда 150 тонна сифатли калага тайёрлашни ният қилганлар.

СУРАТДА: ип йиғирувчи Мамлакатхон Тошқўлатова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## САМИМИЙ ҲАМДАРДЛИК Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Фаргона вилоятининг Шохимардон қишлоғида рўй берган тошқин оқибатида қўллаб-қувватлаш қўриб-булгани ва вайронагарчиликлар юзига келгани муносабати билан Фаластин халқи ва шаҳсан ўз номидан, Сиз жаноби олийларига ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига чуқур ва самимий таъзия изҳор этаман. Тангридан Сизни ва биродар халқингизни турли бало-қазолардан сақлашни сўрайман.

Президент жаноби олийлари, жабрданларнинг қариндош-уруғлари, бизнинг биродарона самимий ҳамдардчилигини қабул қилгайсиз. Муҳтарам Президент, Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, қардош Ўзбек халқига эса Сизнинг доно раҳбарлигингизда гуллаб-яшнашни ва равақ топишни тилайман.

Ёсир Арафот,  
Фаластин давлати Президенти,  
Фаластин Озодлик ташкилоти  
ижроси кўмитаси раиси,  
Фаластин Миллий маъмурияти  
раиси.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Республика Олий ҳўжалик суди раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳўжалик судларининг 1998 йил биринчи ярмида низоларни кўриб чиқиш, одил судловни амалга ошириш ҳамда республика Президентининг "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар ҳўжалик судлари иқтисодий соҳада одил судловни амалга ошириш, низоларни қисқа муддатда, қонун асосида ҳал этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш

йўлида фаол иш юритаётганини таъкидладилар. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳўжалик судлари томонидан қўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоиз ортган. Судлар ҳўжалик низоларини келтириб чиқарётган сабабларни ўрганиб, уларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўрмоқдалар.

Шу билан бирга, йиғилишда ҳўжалик судлари фаолиятида йўл қўйилган нуқсонларга эътибор қаратилди. Жумладан, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш борасида талабчанликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

(ЎзА)

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Навоийда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш, оналик ва болалик муҳофазасини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Сессияда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ишини янада тақомиллаштириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада вилоятда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, давлош-профилактика муассасаси-

ларининг моддий-техника базасини, айрим тиббиёт ходимларининг касб малакасини талаб даражасида, деб бўлмади. Баъзи юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасидан хали кўп иш қилиниши лозим.

Шунингдек, сессияда кадрлар тайёрлаш тизимининг дастурий ҳаётга ижро этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда вилоят ҳокими Ҳ.Ғафоров сўзга чиқди.

Ёрқул УМАР,  
ЎзА мухбири.

## ЙЎЛСОЗЛАР МАДАДИ

Бугунги кунда шохимардонликлар вилоят йўлсозларига ўзларининг миннатдорчиликларини билдиришмоқда. Ахир ўзингиз йўлба кўринг, тошқин ювиб кетган йўлни бир ҳафта мобайнида тиклашнинг ўзи бўлади? Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 60 минг кубометр ҳажмда тулроқ ишларини бажариш кўзланган эди, кейин иш ҳажми яна кўпайди. Кечаю-кундуз меҳнат қилинганлиги боис Шохимардонсой қирғоқларига 3400 кубометр ҳажмда темир-бетон плиталари ётқизилди.

600 кубометр ҳажмда қирғоқларини мустаҳкамлайдиган жўнатишлар ташиб келтирилди.

Бугунга келиб Шохимардоннинг илгарини йўли қайта тикланди. Қўнқонлик кўприклар бугун-эрта марказдаги кўприкни тиклаб беришса, транспорт алоқаси деярли тўлиқ йўлга қўйилди. Эндиликда йўлсозлар асфальт ётқизиш ишларини бошлаб юборишди. Бу таъбир ҳам шу ойнинг охирига қадар уйдланади.

Шохимардон йўлини қайта тиклаш ишларида фарғоналик йўлсозлар билан бирга Андижон ва Наманган вилоятларидан таширф буюрган хашарчилар кўпини-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Андижоннинг Олтинқўл туманидан таширф буюрган Билолидин Азимовнинг гайратига тасанноб айтиш лозим. Билолидин Германияда ишлаб чиқарилган 350 тонна от кучига эга «Либхер» экскаватори билан фақат йўл қирғоқларини мустаҳкамлашда қатнашибгина қолмай, сув ўзини ростлаш, эски йўлга қайтаришда ҳам гайрат кўрсатди.

Шохимардонга бутун мамлакат ёрдамга келаяпти. Йўлсозларга замонавий, юксак унумли механизмлар жуда асқотаяпти. Шунинг учун ҳам республика «Ўзавтйўл» давлат концерни йўлсозларга экскаватор, бульдозер ва юк крани ажратди. Бундан ташқари, Камчиқ довоидан Фарғона йўллар эксплуатация бошқармасига қарашли 2 та экскаватор, 3 та бульдозер, КАМАЗ автомашиналари Шохимардонга ишляпти.

— Юртбошимиз Шохимардонга таширф буюрган асфальт ва темир-бетон қоршичаларини Фарғонадан ёки узок туман марказидан ташиб келиш мақсадга мувофиқ эмаслигини, шу ернинг ўзида асфальт цехи ва темир-бетон буюмлари тайёрлайдиган полигон қуриш кераклигини маслаҳат берган эдилар, — дейди республика «Ўзавтйўл» концерни раисининг биринчи ўринбосари Турғунбой Азимов. — Ҳақиқатдан ҳам асфальт ва темир-бетон қоршичаларини 50 километр узоқликдан ташиб келтириш йўл ҳаражатларини анча ошириб юборди. Шунинг учун ҳам қисқа муддат ичида асфальт тайёрлайдиган цех учун жой танлаб қўйилди. Куйи кеча Тошкентдан асфальт ва темир-бетон қоршичалари тайёрлайдиган механизмлар олиб келинди. Бугун-эрта бу техника воситаларини монтаж қилиш ишлари бошлаб юборилди.

**Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Кенжабой ЙЎЛДОШЕВ,  
Фарғона «Автйўл»  
бирлашмаси  
мутахассиси.**



## ИСТИҚЛОЛ МОҲИЯТИ

1. Мустақилликни сиз қандай тушунасиз?
2. Эртанги кунни қай тарзда тасаввур этасиз?
3. Ўзингиз яшаётган жойда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
4. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўшаётган улушингиздан кўнглингиз тўладими?

1. Бизнинг халқимиз асрлар давомида озодликка интилиб келди. Ўзига йўл ахтарди. Даврларнинг тўфону буронларига бардош бериб, ўзини асраб, дилдаги эзгуйтуғларни омон сақлади. Истиқлол тузumi томонидан миллатимизнинг онгу шуурига хуруж қилди. Халқнинг сара фарзандлари, сўз айтидиган, элга ҳақ ва озодлик йўлини кўрсатадиган зиёлилари бошига не бир қайғу-қуфатлар тушмади. Жабр машинасини юргизаётган тузум халқимизнинг фикрларини, ўйлашини, тафаккур қилишини истамас эди. Бу тузумга фақат қудлар керак эди.

Эслайлик, Чўлпон, Фитрат, Қодирйи, Усмон Носир каби элнинг тоза фарзандлари миллати шаъни учун, ўзини учун ақлди гапни айтганлиги боне ўққа учдилар. Мен истиқлолдан шундай тушунаман. Бундан ортиқ ҳақорат бўлиши мумкин эмас.

Мустақиллик эса бизнинг йўлимизнинг ёрдами. Борар манзилимизни кўрсати. Ўзбек фақат пахта даласи учун туғилмаганини исбот этди. Қонунчилигимиз мустаҳкамланди. Президентимиз катта бир йилгида — ҳуқуқшунослар, мутахассислар, зиёлилар, раҳбарлар ҳузурида Мустақиллик — ҳуқуқ, деб айтдилар. Мен энг улуг фикр, деб шунинг

қилаётган халқнинг бугунги меҳнати самараси қафдагидек намоеи бўлмоқда. Тошкент-ку Тошкент, Ўзим туғилиб ўсган Хоразмин олайлик. Бу ердаги ўзгаришлар оламжаҳон. Ҳар бир кишлоқда сўлим ва оромбахш гузарлар, чойхоналар бунёд бўлмоқда. Маъмурий бинолар қад ростламоқда.

218 гектар майдонга ғалла экишиб, ҳар гектар ердан 66 центнердан ҳосил олдилар. Давлатга 1450 тонна ғалла топириди. 1350 гектар еримизга шולי экилган. Ниятимиз 62 центнердан ҳосил кўтариш. 130 гектар боғимиз бор. 12 турдаги мева-сабзавот етиштириб, 5 минг тонна ҳосил топираимиз. Бу-

лик, энг аввало, истиқлолни мустаҳкамлаш ва ўз ҳиссамизни кўшишимиз зарур эканлигини тушуниб етмоғимиз лозим. Биз, раҳбарлар қай бир лавозимда ишламайлик ҳар бир замондошимизнинг ўй-қарашлари, орзу-интилишлари, энг муҳими, унинг инсонлигини ёлдан чиқармаслигимиз керак. Истиқлолнинг матлаби ҳам шу. Инсонни улуглашга ундайди. Мамлакатимизнинг ривож топиши учун тўсиқ бўладиган ҳар қандай салбий ҳодисаларга қарши курашиш, меҳнат ва фақат меҳнат билан истиқлолни мустаҳкамлаш зарурлигини унутмасак кифоя. Энг тўғри хулоса шу. Бугун хато қилмак, эртага кеч бўлади. Биз ҳар бир хатти-ҳаракатимизда фарзандларимизнинг ёруғ келажакини йўлга иш юритишимиз керак. Мустақилликни ҳимоя қилиш — унинг талабларига жавоб беришдир. Шу пайтатча қандай иш қилган бўлсам ҳаммаси ортда қолди. Бугун фақат истиқлол учун ишлаш керак. Бугун фақат эртанги кун учун меҳнат қилиш зарур. Мамлакатимизнинг имконияти чексиз. Заминимиз саховатли. Худо берган юрдага яшаётимиз. Бу ўлканинг тошлари гуллайди, керак бўлса. Бу ўлканинг ҳар бир қаричи ризқ-насиба манабдир. Бугунги меҳнатимиз эртанги кунимизнинг ободлиги, фаровонлиги йўлида қилинса, демак бир куним бесапар кетмади, деган хулосага келаман. Ҳар биримизнинг дилимизда эртанги мавсуляти илдиз отиб, мева бериши керак. Шу нуқтага назардан қараганда ҳали кўп ишлар қилишим зарурлигини англайман.

3. Қайси бирини айтгай? Қурилишлар... Бунёд этиш ва яратиш ишқиди меҳнат

дойдан бўшаган ялпи майдонга иккинчи марта экин экилди. Шундан 120 гектарга шולי қўчатлаб ўтказилди. Қолганларида ҳам кунжут, сабзавот, гўза барваж унаяпти. Қишлоқларимиз 100 фоиз газлаштирилган. Аҳоли сув билан таъминланган. Алоқа тармоқларида камчилик йўқ. Қурилиш ишлари ҳам режа асосида ўз ўрнида ниҳоясига етмоқда. Туман марказида Голландия-Туркия технологиясига эга бўлган қўшма корхона қуриб битказилди. Бу ерда ўзимизда етиштириладиган мева ва сабзавотлар қайта ишланади. Аҳолига маийий хизмат кўрсатиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришганмиз. Меҳнаткаш инсонлар олдида ушбу соҳада ҳам ер чизиб қолмаймиз. Бу ишларнинг барчаси ўзимиз учун, халқимиз учун. Кимки меҳнат қилса, роҳатини кўради. Халқ меҳнати самарасидан баҳраманд бўлсагина, бундан-да гузалроқ, чиройлироқ ишларни амалга оширади. Одамларимиз кўриб-билиб турибдилар — Истиқлол ишлаш, инсондай яшаш имкониятини берди.

4. Очиғини айтсам, бугун биз қайси соҳада ишламай-

**«Халқ сўзи» мухбири  
Кўчкор НОҲҚБИЛ  
тайёрлади.**



Ҳозир пишиқ-пухта тўқилган «жинси» матодан тикланган юбкалар, сарафану шимлар яна урфга кирди.

Қорақалпоғистондаги «Эл-текст» тўқимачилик очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти «жинси» матолар ишлаб чиқариш ва шу матолардан кийим-кечақлар тайёрлашга ихтисослашган. Айни пайтда моҳир ишчилар меҳнати туфайли тўқилаётган матолар сифати ва рақобатбардошлиги хорижликдан қолишмайди.

Суратқаш муҳбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов олган ушбу суратда «Элтекст»нинг илғор ип йиғирувчиси Зулфия Ражаповани кўриб турибсиз.



# МАКТУБЛАРДА ЭЛ ОВОЗИ

- Мактублар... Улар ҳаёт ойнаси, замондошларимизнинг кўнгли дафтариридир. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тахририятимиз муштарийлардан 825 та хат-хабар олдиди.
- Ушбу мактубларнинг 300га яқини газета саҳифасида чоп этилди.
- Тахририятимизга мурожаат қилган фуқаролардан 60 нафардан заёдроғига турли масалалар бўйича амалий ёрдам кўрсатилади.
- 406 та арза-ишқоат текшириш ва чора кўриш учун мутасадди ташкилотларга юборилди.
- Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли масалалар юзасидан тегишли ташкилотлардан 214 та жавоб хати олинди.



## ИСТАР ЭДИМ...

Ҳозир замон бутунлай янгича. Ҳамма жабҳада олға қадим ташланапти. Оммавий ахборот воситаларида ҳам ўзгариш сезилапти. Иқтисодий журналистларнинг сафи кенгаймоқда. Қаламқашларнинг дунёқарашини бутунлай янгича. Мустақиллик уларга катта ҳуқуқ ва имкониятлар берди. Энди улар қўлларини қаёққа узатади. Матбуотга «тўртинчи ҳокимият», деб қаралмоқда. Модомки, шундай экан, журналистлар ҳам юксак ишончга яраша бўлмоқлари зарур.

Касбим — иқтисодчи. Лекин ҳаётимни матбуотсиз тасаввур қила олмаман. Деярли бутун умрим бўйи газеталар билан яқиндан иложини алоқада бўлиб келмоқдаман. Айрим ҳолларда леҳкон-фермер, ширкат хўжаликларни тўғрисидаги мақолаларда чалқашликлар борлиги сезилиб қолмоқда. Баъзи қаламқаш дўстларимиз умумий даромад билан соф даромаднинг фар-

қига боришмайди. Нега шундай бўлапти? Назаримда, бу, аввало, иқтисодий билимнинг етишмаслиги оқибатидир. Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаймиз. Эндиликда иқтисодиётдан беҳабар бўлган ҳолда корхона, қурилиш ташкилотлари ва хўжаликлар фаолиятдан га-зетхонга нафти тегадиган мақолалар тайёрлаш мумкин эмас.

Яна бир мулоҳазам бор. Нима сабабданред-дақиядан четдаги муаллифларга эътибор сусайган-дек туйилапти менга. Штатдаги ходимларнинг катта-катта мақолалари чоп этилади-ю, илло, чет муҳбирнинг қуш тилидек хабари қўлиб кетаверади. Бу — кўпгина марказий ҳамда вилоят газеталарига тегишли гаплар.

Оддий бир газета ихлосманднинг мулоҳазалари инобатга олинса, бошим кўкка етарди.

Иноат НЕЪМАТОВ,  
иқтисодчи, меҳнат фахрийси,  
Самарқанд шаҳри.



## НАЗАРИМДА, ОРТИҚЧА ТўЛАЯПМИЗ

Бизнинг «Деҳқон бозори»нинг Чуст шаҳрида жойлашган. Мен шу бозор акционерлик жамиятининг раисман. Фаолиятимизга боғлиқ бир савол туғилиб қолди, маҳаллий раҳбарларнинг жавобидан кўнглим тўламапти.

Гап шундаки, бизнинг Низомимизда фаолиятимиз тури ҳақида аҳолига бозор хизмати кўрсатиши, дейилган. Электр тармоқлари ило-раси эса биздан савдо хиз-мати кўрсатувчи сифатида

ортиқча ҳақ ундиришмоқда. Шу тўғрими? Масалани оидинлаштиришда ёрдам берсангизлар.

М. ВАЛИЕВ,  
Чуст шаҳридаги  
«Деҳқон бозори»  
акционерлик жамияти  
раиси.

### СўРАГАН ЭДИНГИЗ

## ҲАҚ ТАРИФЛАР БўЙИЧА УНДИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг топшири-ғига биноан, «Ўзэнергоназорат» корхона-си Сизнинг хатингизда кўтарилган маса-лани кўриб чиқди. Ундаги муаммо моҳия-тидан келиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

1996 йилнинг 19 декабрида республика Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалда қўлланган жорий этилган фойдаланилган электр қуввати учун тўловлар тари-фи ишлаб чиқилган. Унга кўра, савдо корхоналари, қаҳвахона ва рестороанлар алоҳида гуруҳга ажратилиб, (VII тариф гу-руҳи) фойдаланилган ҳар бир киловатт-соат электр қуввати учун 6 сўм ҳақ тўла-ши белгирилган. Бозорлар, шу жумладан, Чуст леҳкон бозори ҳам савдо, тижорат фаолиятини амалга оширади. Шунинг учун фойдаланилган ҳар бир киловатт-соат электр қуввати учун 6 сўмдан ҳақ тўлаши шарт.

ган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кор-хоналари — сартарошхона, пойабзал ва бошқа турдаги таъмирлаш шохобчалари, кимёвий тозалаш, кир ювиш корхонала-рининг қабул пунктлари, ижарага буюм берувчи шохобчалар VI тариф гуруҳига кир-дилади. Улар бир киловатт-соат электр қуввати учун 2 сўм 20 тийин ҳақ тўлайди-лар. Кимёвий тозалаш ва кир ювиш кор-хоналари VI тариф гуруҳига киритилган бўлиб, улар бир киловатт-соат электр қув-вати учун 2 сўм 75 тийин миқдорига ҳақ тўлайди. Юқорида номлари қайд этил-ган корхоналар ва шохобчаларнинг бар-часида алоҳида ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлиши шарт. Улар истеъмол қилган электр қуввати миқдори бозор учун сарф-ланган қувватдан алоҳида ажратиб кўрсати-лади ва белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

О. МИРЗАЕВ,  
«Ўзэнергоназорат» корхонаси раҳбари.

Айни пайтда бозор ҳудудида жойлаш-

## АМАЛИЙ ИШГА КИРИШИШ КЕРАК

Мен оддий бир қаламқашман. Узоқ йиллардан буюн «Тошкент ҳақиқати» вилоят газетасининг кишлоқ хўжали-ғи бўлимида ишлабман. Табиийки, хизмат вазирам юза-сидан хўжаликларда кўп бўла-ман, кишлоқ меҳнатқашлари — леҳконлар, чорвадорлар ва бошқа соҳа ходимлари билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, турли мавзуларда баҳолди қу-драт қалам тебратиб келмоқда-ман.

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 11 июнь сонидан таниқди журналист Исмоил Сулаймо-новнинг «Ким бўлайди бу савоб ишчи?» сарлавҳали ма-қоласини ўқигач, ўзимни қизиқтирган кўп саволларга жавоб топганидек бўлдим.

Гап шундаки, мақолада япо-ниялик пенсионерларнинг ўз хонадонларидан парранда бо-қилиш, мўл-қул туҳум олиш со-ҳасидаги тажрибалари ҳақида сўз юритилган. Маълум бўли-шича, тегишли фирма уларга яқиндан ёрдам кўрсатади. Яъ-ни уй пенсионерлар учун асосий

ишхонадир. Ҳовлида эгилмас-дан ва буклимасдан юриш, пар-рандаларни парварилаш учун кулай шарт-шароит ўрнатилди, махсус катакчалар ўрнатиб бе-рилди. Ана шу фирманинг ва-кили, мақолада ёзилганидек, Ҳасаки ҳар кун маълум бир вақтда келиб ем тарқатади, ҳовлида жойлашган бўлиб, буни биз-да ҳам амалга ошириш мум-кин.

Ахир, одам қилган ишни одам қилади-ку? Ҳозир ки-шлоқларда пенсионерларимиз оз эмас. Уларнинг кўпи қўли бўшаб қолган, ўзини қаёққа уришни билмайди, зерикиб қолади.

Бу уринда, назаримда, ҳамма гап ҳовли деворларига ўрнатиб берилган товуқ ка-такчаларида. Уларни исати,

ворларига ўрнатилган, то-вуқ боқилганлик катакчалар лойиҳасини тайёрлаб, жамо-атчилик ҳукмига ҳавола этса, шу асосда янги маҳсулот иш-лаб чиқаришни йўлга қўйса, уни бажонидил харид қилиб олаётганлар кўпласи топиши-ни шубҳасиз.

Шу уринда ана бир муло-ҳаза. Деялик, республикамизда истиқомат қилаётган, ҳовли-жойга эга булган пен-сионер озунамми? Маҳалла оқсоқоллари тегишли жам-ғармалар билан ҳамкорликда бу ишни йўлга қўйсалар, айни муллоа буларди. Ки-шлоқлардаги хўжалик раҳбар-лари ҳам бу ҳақда бир ўйлаб кўрсалар. Қанча одам иш билан овунади. Айни пайтда уша ерли аҳолини, болалар боғчаларини, даволанган муе-садаларни туҳум билан таъ-минлаш масаласи ўз-ўзидан ҳал бўларди.

Айтмайиз десаек, гап кўп. Лекин юзта сизу биздан бит-та жиъ-биз яхши. Келинлар, амалий ишга бел боғлайлик, аяллар. Охири, албатта, ба-хайр бўлади.

Носир РИХСИЕВ.

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

23 июль — Миср Араб Республикасининг миллий байрами — Инқилоб куни

# ЭҲРОМЛАР МАМЛАКАТЧ ВАЙРАМЧ

Миср — инсоният та-рихида муҳим ўрин эгал-лаган энг қадимий дав-латлардан бири. Ушбу араб мамлақати ҳаётида рўй бераётган воқеалар бугунги кунда ҳам бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мисрнинг миллий бай-рами арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳби-ри Миср Араб Республика-сининг Ўзбекистондаги Фахриддин ва Мухтор эл-чиси Мамдух Шаваки билан учрашди.

— Жаноб элчи, 23 июль кун Миср халқи ўзининг миллий байра-мини нишонлайди. Маз-кур сана қандай воқеа билан боғлиқ?

— Миср халқининг ушбу байрами Инқилоб куни деб аталади. Бундан роппа-роса 46 йил илгари, 1952 йил 23 июль кун Мисрда инқилоб рўй бер-ди ва мамлакатнинг энг янги тарихида муҳим давр-ни очиб берди. Мазкур инқилоб мамлакат тарақ-қиёти йўналишини таг-то-мири билан ўзгартириб, унинг исёий мустақили-ғи, иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустаҳ-камланиши учун кенг ис-тиқболлар яратиб берди.

— Миср ҳамкорлигининг бугунги ривожланиш да-ражаси тўғрисида нима-лар дея оласиз?

— Миср ва Ўзбекистон-нинг тарих, аниқча ва дин жиҳатидан ўхшаш томон-лари бор. Ҳар икки мам-лакат аҳолисининг акса-рият қисмини мусулмон-лар ташкил этади. Булар-нинг бари Ўзбекистон — Миср муносабатларининг мустаҳкамланишига им-кон беради.

Ташқи сиёсат соҳасида ҳам давлатларимиз ёнда-шувлари бир-бирига мос келади. Масалан, Ўзбеки-стон Республикаси Прези-денти Ислом Каримов Марказий Осиёда ядро қуролдан холи худуд бар-по этиш ташаббуси билан чиқди. Миср ҳам бир неча маротаба Яқин Шарқни ҳар қандай оммавий қирғ-ин қуролларидан холи худудга айлантириш так-лифи билан чиққан.

Бугунги кунда фан, мада-ният ва маориф соҳаларида муносабатларимиз жадал ривожланмоқда. Айниқса, ушбу алоқалар Тошкентда Миср маданияти маркази-нинг очилиши билан янада мустаҳкамланди. Ушбу мар-казда ҳар йили 300 га яқин ўзбекистонлик ёшлар араб тили ва маданияти ҳамда Миср тарихини бепул ўрга-надилар. Яқинда бу ерда Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг кўргаз-маси бўлиб ўтди.

Айни пайтда Шарқшу-нослик институтидан таш-қари Жаҳон тиллари универ-ситетида ҳам араб тилини ўрганиш маркази очилди. Келаси йилдан бошлаб бун-дай марказлар Бухорода ва Ўзбекистоннинг бошқа ша-ҳарларида ҳам очилади.

Миср Президенти қаро-рига мувофиқ, 1992 йилда ту-зилган Миср Араб Респуб-ликаси Ташқи ишлар вазир-лиги ҳузуридаги МДХ мам-лакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси йи-лига тўрт марта Ўзбекистон-дан дипломатия, иқтисодий бошқариш, банк тизими, терроризмга қарши кураш, қишлоқ хўжалиғи, журналистика ва бошқа их-тисосликлар бўйича тинг-ловчиларни қабул қилади.

Ҳар йили Ўзбекистон олий ўқув юртлири ўқитув-чи ва талабалари Мисрнинг ет-ақчи олийгоҳларида ўз ма-лакаларини оширишмоқда.

Муқаддас Рамазон ойла-рида мисрлик киноусталар яратган кўп қисмли «Му-ҳаммадун Расулulloх» филь-ми Ўзбекистон телевидени-еси орқали бир неча бор на-мойиш қилинди. Фикр-му-лоҳазаларга кўра, мазкур фильм Ўзбекистонлик теле-томашабинлар томонидан илиқ кутиб олинган.

Мамлакатларимиз ўрта-сидаги иқтисодий ва савдо алоқалари маданияти соҳа-сидаги ҳамкорлигимизга нис-батан бироз орқанда қолмоқ-

да. Бу йил Тошкентда сав-до-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия-нинг учинчи мажлиси бўлади ва у ушбу йўлдаги мавжуд қийинчиликларга барҳам беришда, мамла-катларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкор-ликнинг истиқболларини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

— Ўзбекистон ўз му-стақиллигининг етти йиллиги арафасида тури-бди. Ушбу давр ичда эришилган ютуқларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон ўз му-стақиллиги даврида эриш-ган ютуқларга баҳо бериш мен учун бироз мушкул-роқ. Чунки мамлакатин-ғизга келганимга фақатти-на бир йил бўлди. Лекин шунинг айтишини истардим-ки, мана шу қисқа давр ичда ҳам Ўзбекистонда катта ўзгаришлар рўй бер-ди. Энг муҳими — Ўзе-бекистон тинчлик ва барқа-рорлик муҳитида яшамоқ-да. Мен кечалари шаҳар бўйлаб сайр қилишни жуда ёқтираман, теннис кортига бориб тураман.

Ўз қароргоҳимдан шаҳар-га чиққач, ўзимни жуда хотиржам ҳис қиламан, аминманки, мен билан ҳеч қандай чор-қол рўй бермайди, чунки мен Ўзбекистондек мамлакат-да яшайман.

— Жаноб элчи, сўхбат учун ўз миннатдорчили-ғини изҳор этишга ҳамда сизни ва сиз орқ-али бутун Миср халқи-ни Инқилоб куни билан мубараклаб этишга ижо-зат берсангиз.

— Катта раҳмат!

Соодат НОРҚЎЗИЕВА,  
«Жаҳон» АА муҳбири.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### ТИРАНА

Албания Бош вазири Фа-тос Нано халқаро жамо-атчиликка мурожаат қилиб, сербларнинг ҳарбий объектиларини авиация ёрдамида бомбардмон қилишига чакирди. Бу тadb-бир Серб ҳукуматиши ко-соволик албанлар билан музокараларни бошлашга мажбур қилади, деди у.

### АР-РИЕД

Саудия Арабистони маъмурияти Саудия ва Яман ўртасида қуролли можабо бўлиб ўтгани тўғрисидаги хабарни тас-диқлади. Мамлакат ички ишлар вазири шаҳзода Наиф Ибн Абдуазиз ал-Сауднинг айтишича, ўтган яшанба кун ад-Дувай-

### БУГУНГИ БЕРЛИН

ма оролида Саудия ва Яман қуролли кучлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтган. Ун соат давом этган ушбу жанг натижасида 3 нафар



БУГУНГИ БЕРЛИН

яманлик аскар ўлдирилган ва бир зобит асирга олин-ган.

Ҳар икки давлат тўқна-шува учун жавобгарликни бир-бирига юклямоқда.

### ПЕККИН

Хитойнинг бир неча ви-лоятида тинимсиз давом этаётган жаза оқибати-да юзга келган тошқин-лар қарийб бир ярим миң киши ҳаётини зоим будди, дейилади РТАА—ТАСС ах-борот маҳкамаси тар-қатган хабарда. Бундан ташқари, табиий офат келтирган иқтисодий зар-рар ҳам ниҳоятда кат-та. У 140 миңдайроқ на-вдан зиёд, деб баҳоланмоқ-да.

## КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

НАЙРОБИ. Нигерияда ҳокимият кей-инги йилнинг 29 майдан эътиборан фу-қаролар бошқарувига ўтиши керак. Мам-лакатнинг бугунги кундаги раҳбари ге-нерал Абдулсалоом Абубакр радио ва телеви-дение орқали сўзлаган нутқидан шунинг маълум қилди.

Шунингдек, Абубакр яқин кунлар ичда янги Конституция лойиҳасини эълон қилишга ҳам ваъда берди. Маълумки, маз-кур Конституция 1995 йилда тайёрланган бўлишига қарамай, шу кунга қадар эълон қилинмай келаётган эди.

## ВАКОЛАТХОНАЛАР ЁПИБ ҚўЙИЛМОҚДА

КОБУЛ. «Толибон» ҳаракати Кобулда жойлашган инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи барча ҳорижий ноҳукумат ташки-лотларининг ваколатхоналарини куч иш-латиб ёпиб қўйди.

Маълумки, илгарироқ толиблар раҳбар-лари бундай ташкилотларнинг ваколат-хоналарини Кобул аэропорти яқинидаги ха-роба биноза кўчиришга буйруқ берган эди. Лекин хавфсизлик нуқтаи назаридан ва-бинода яшиш шароитининг яхши эмаслиги

сабабли, ваколатхоналар ҳодимлари бу буй-руққа бўйсунмади ва тортиш эди. Маълумотларга қараганда, толиблар-нинг бу хатти-ҳаракати Афғонистонда-ги ҳорижий ваколатхоналарнинг ўз фа-олиятини бутунлай тўхтатишига олиб келмоқда. Бу эса инсонпарварлик ёрдами ҳисобига кўп кечиратилган 400 миң ки-шилик Кобул аҳолисининг аҳолини янада оғирлаштириши мумкин.

(ЎзА).

МЕРОСИМИЗ

АЛПОМИШ АШНАТҲА БОР

«Алломиш» дostonи халқимизнинг улкан маънавий сарчашмаларидан ҳисобланади. Миллат бирлиги, эл-юртга, Ватанга чексиз муҳаббат, севгига садоқат, оила барқарорлиги ва фарзандлар камолига фидойилик, адолат учун кураш — дostonнинг туб моҳияти.

Бойбўрининг қароргоҳи. Қултой шочиби, ҳаяжон билан қиради. Эшик оғаси олдини тўсади. Эшик оғаси: — Ҳай, ёв қувдим... Қўзинг тананинг қузидай тос тепанга чиқибди. Тухта. Тухта!



ҳам элимнинг олдиға ёруғ юз билан чиқай! Ёруғ юз билан чиқай! Элимнинг олдиға ёруғ юз билан чиқай! Элимнинг олдиға ёруғ юз билан чиқай!

Эшик оғаси: — Ҳай, ёв қувдим... Қўзинг тананинг қузидай тос тепанга чиқибди. Тухта. Тухта! Эшик оғаси: — Ҳоним, сен тугул, вазир тугул, одам болганининг бетини кўрмайман, деган. «Мени тинч қўй», — деган.

Сутбулоққа қараса, чин ният билан фарзанд тиласа, чилла ечибли, фарзанд топар, юрагининг чери кетиб, армонсиз бўлар. Шу пайт бефарқ бўлиб, вақтни ўтказса, бир тирноққа зор бўлиб қолавершилар.

Биринчи кўк қуш: — Агар бу гап Бойбўри билан Бойсарига етмаса, қайтар дунё қайтмас дунё бўлиб қолади. Чархи фалакнинг равиши бузилади. Агар етса, дунё қайтар дунёлигича қолади. Чархи фалак равиши бузилмайди. Бойбўри билан Бойсарига фарзанд кўрадилар. Бу фарзандлар туйғайли қайтар дунёга янгидан қувват қиради. Чархи фалакнинг равиши қойим бўлади. Биз чирқираб қолмаймиз.

Иккинчи кўк қуш: — Гайб дафтарида бўлса ҳам, ҳаракатдан — баракат. Ҳаракат етмаса, ҳаммаси увол бўлиб кетади.

Иккинчи кўк қуш: — Эсларини йўқотмаган бўлишса, ҳаракатга келишар. Экранда Бойбўри билан Қултой сўхбатлашаётган ҳолат намоён бўлади.

Бойбўри (ўрнидан сакраб туриб, Қултойни хиппа бўғиб, силталаб): — Нима дединг? Нимани кўрдинг? Нимани эшитдинг? Менга нима дединг? Қайтар. Бошқатдан қайтар...



Учқўриқ туманида кўғирчоқ театри ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, театр болажонларимизнинг севимли максаитига айланган. Театр актёрлари ижросидаги «Навриддин афанди сарғушлария», «Елғончи ялмоғиз», «Сичқон ва мушук» каби спектакллар ёш тоmosабинларда катта таассурот қолдираётир.


Спортимиз жонкуярлари

УШАЛГАН НИЯТ

— Пайшанба кўрғончасида очик бир майдон бор. Рухсат берсангиз, ўша ерда ҳашар йўли билан спорт мажмуасини кўрмоқчи эдим, — деди Юсуф ака кунларнинг бирида туман ҳокими Муҳтор Ёрқуловга.

— Жуда яхши, — деди ҳоким. — Биз томондан қанақа ёрдам керак бўлса, марҳамат. Ҳокимнинг ана шу икки оғиз сўзи устозни тўлқинлантириб юборди. Кўп ўтмай, у собиқ шогирдларини шу майдонга тўплади. Туман бош мейморни Шерзод Жалилов, мейморлар Шаҳзод Нарзуллаев, Дилшод Аҳмедов, Раҳматулло Аминов устоз ташаббусига қўшилиб, дарҳол ишга киришдилар.

гизиб, тўп тептириш сенга ярашмайди», дея уни йўлдан қайтармоқчи ҳам бўдилар. — Спорт — саломатлик гарови, — дея жавоб қайтарди Юсуф ака. — Қолаверса, Пайшанбадан бир вақтлар ажойиб спортчилар етишиб чиққан. Улар ўзларининг маҳоратларини намойиш этиб, туманимиз обрў-эътиборини кўтаришди. Ушалар ишини давом эттирсак, бунинг нимаси ёмон? Биз қураётган спорт майдончаси атрофида гул ва дараклар ўтказилди. Утиригичлар ўрнатамиз. Сизлар ҳам дам олиб, ёшлар мусобақаларини мириқиб томоша қиласизлар. Бу ерда футбол ва волейбол майдонлари, теннис корти, қўл тўпи ва спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам тўғарақлар ташкил этилади...



Юсуф аканинг кўзларида севинч ёшлари қалқиди. — Орузим ушалгандан беҳад хурсандман, — дейди у киши ҳаяжонини яширолмай, атрофда одамларга, — энди бу ерда ёшларимиз спортнинг турли соҳалари бўйича машқлар ўтказиб, маҳоратларини оширадиган, келгусида Каттақўрғон, Пайшанба шаҳарчасининг довуғи кенг ёйлишига катта йўл очилди...

ли адиб, шоир, олим, ношир ва журналистларнинг қорхона ва ташкилотлар меҳнаткашлари билан учрашувлари бўлиб ўтади. Мулоқотлар чоғида шоир ва адиблар янги китоб...

Аскар ЖАЛИЛОВ, «Каттақўрғон ҳақиқати» газетаси муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИББИЙ ТИКЛАШ ВА ФИЗИОДАВОЛАШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ШАРҚ ТАВОБАТИ БЎЛИМИ ВА УНИНГ ГИНЕКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА САЛОМАТИНИ ТИКЛАШ ГРУҲИДАГИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИНИНГ БЎШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Тиббий Тиклаш ва Физиодаволаш Илмий-Текшириш Институтининг Термиздаги филиали бўлимлардаги КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИНИНГ БЎШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (т.ф.д., т.ф.н.):

ХОРАЗМДА КИТОБ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси мустақиллигимизнинг етти йиллиги олдидан Хоразм вилоятида 23-24 июль кунлари катта китоб байрами ўтказилди. Унда кенг миқёсда китоб ва плакатлар намойиши ҳамда савдоси уюштирилди. Таниқ-

ларини ўқувчиларга тақдим этилди. Бошлар оромгоҳларида «Гулхан», «Ғунча», «Тонг юлдузи», «Кўзгу» каби газета ва журналлар ходимларининг ижодий учрашувлари, мушоиралар бўлади.

Муҳаммадали ҚўШМОҚБЎЙ, Шомирза ТУРДИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲАРБИЙЛАШГАН СОЛИҚ КОЛЛЕЖИГА

Ўқитувчилар учун вақант ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ДАЪВОГАРЛАР: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ёши 55 дан ошмаган, илмий даража ёки ишонга ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртларидаги иш тажрибасига, олдинги иш жойи ва яшаш жойларидан ижобий тавсияномага эга бўлишлари лозим.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАНЛОВ КОМИССИЯСИГА ҚЎЙИЛАДИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зини, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пақ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоберов, И. Шогуломов, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибиёт 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Ғ — 0173, 34565 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Газета ИВМ компьютеридан терилди ва оператор томонидан сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди: 23.25. 1 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир — Н. Тошев. Набатчи — Н. Мусоева. Мусаввир — Ш. Машираббоев.